



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

*Тадқиқотларни рағбатлантириш  
ва натижаларни оммалаштириш*

**Молия ва Банк иши**  
(электрон илмий журнал)

**Finance and Banking**  
(electronic scientific journal)

**Чоп этувчи ташкилот:  
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси**

Манзил: Ўзбекистон, 100000, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16

## **ТАҲРИРИЯТ ТАРКИБИ**

**Таҳририят Кенгаши раиси:** и.ф.н., доцент Б. Бердияров

**Таҳририят Бош муҳаррири:** и.ф.д. доц. К.Р. Ҳотамов

**Муҳаррирлар:**

и.ф.д., проф. Н.Жумаев

и.ф.д., проф. М.Юлдашев

и.ф.д., проф. А.Ибрагимов

и.ф.д. И. Ниязметов

и.ф.д. доц. Д. Рахмонов

и.ф.д. доц. З. Бердиназаров

и.ф.д. доц. Н. Ризаев

и.ф.н., Ф.Додиев

и.ф.н, доц. Э.Эргашев

и.ф.н, доц. И.Эргашев

PhD, Ф. Аллаяров

PhD, З. Абдуллаев

**Масъул муҳаррир:** PhD, Ф. Исаев

**Веб-администратор:** А. Маматов

## МУНДАРИЖА

### Банк иши

<b>Yusupov Y.K.</b>	<i>Optimal capitalization strategy of commercial banks of Uzbekistan in transition period to digital economy</i>	<b>5</b>
<b>Ахмедова Х.О.</b>	Тижорат банкларида комплаенс-назорат тизимини такомиллаштириш йўналишлари	<b>12</b>
<b>Гулямова А.Л.</b>	Тижорат банкларида масофавий банк хизматларини ривожлантириш истиқболлари	<b>17</b>
<b>Жумаев Н.Х. Ибрагимова А.И.</b>	Рақамли иқтисодиёт ва молиявий технологиялар: тижорат банклари учун имконият ва таҳдидлар	<b>23</b>
<b>Набиев Б.К.</b>	Тижорат банкларига таъсир қилувчи молиявий рискларни бошқаришнинг назарий масалалари	<b>29</b>
<b>Усмонов Б.С.</b>	Аҳолини узоқ муддатли кредитлашда хорижий тажриба: муаммо ва ечимлар	<b>39</b>
<b>Хошимов Э.А.</b>	Блокчейн ва рақамли валюталарнинг монетар сиёсатга таъсири	<b>47</b>
<b>Абдуллаев Х.М.</b>	Пул-кредит сиёсатининг инфляцияни тартибга солишдаги аҳамиятини ошириш йўллари	<b>53</b>
<b>Алтиев Қ.С. Қаюмов С.А.</b>	Корпоратив молиявий режалаштиришни ташкил этишда “блокчейн” технологиясидан фойдаланишнинг амалдаги ҳолати таҳлили	<b>58</b>
<b>Идиев Н.Ф.</b>	Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш уларнинг даромад базасини мустаҳкамлашнинг зарурий шарти сифатида	<b>65</b>

### Молия

<b>Бобобеков Ф.Р.</b>	Факторинг амалиётининг тарихи ва бугуни	<b>71</b>
<b>Ташбаев Б.Ў.</b>	Ўзбекистонда давлат қарз сиёсати ва уни самарадорлигининг таҳлили	<b>80</b>

### Суғурта иши

<b>Абдурахмонов И.Х.</b>	Ислом суғуртаси ёки такафулнинг назарий-иқтисодий асослари ва амалга ошириш моделлари таҳлили	<b>86</b>
<b>Шеннаев Х.М.</b>	Суғурта фаолияти: назарий қоидалар, ёндашувлар ва тамойиллар	<b>94</b>
<b>Юлдашев О.Т.</b>	Ҳаёт суғуртаси ва инсон ҳаётининг қиймати	<b>104</b>

### Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

<b>Мисиров К.М.</b>	Экологик харажатлар ҳисоботини такомиллаштириш масалалари	<b>111</b>
<b>Миркасимов Ж.М.</b>	Автотранспорт корхоналарида ички аудитни ташкил этишнинг назарий масалалари	<b>121</b>

### Макро ва микроиқтисодиёт

<b>Умаралиев С.Р.</b>	Тадбиркорликни ривожлантириш аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим омилidir	<b>126</b>
<b>Хидирова Г.Р.</b>	Туризм-мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳаракатлантирувчи драйвер	<b>133</b>

**Мардонов М.Ш.** Корхоналар инновацион фаолиятига доир харажатлар ҳисобининг халқаро ва миллий жиҳатлари **139**

### **Менежмент ва маркетинг**

**Муминова Э.А.** Корпоратив бошқарув корхоналар фаолиятида манфаатлар уйғунлигини комплекс баҳолашнинг методологик жиҳатлари **143**

### **Солиқлар ва солиққа тортиш**

**Абдулов Д.Р.** Развитие базовых концепций налогового администрирования **152**

**Худойқулов С.К.** Ўзбекистонда кўчмас мулкни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш **157**

**Тўлаков У.Т.**

### **Қимматли қоғозлар бозори**

**Одилов Ж.Ш.** Акциядорлик жамиятларининг акцияларини бирламчи жойлаштиришда молия бозори воситаси IPO турларидан фойдаланиш йўллари **167**

**ЎЗБЕКИСТОНДА КЎЧМАС МУЛКНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**и.ф.д., доц. Худойқулов С.К.**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Тўлаков У.Т.**

Термиз давлат университети

**Аннотация:** Мақолада хорижий давлатларда кўчмас мулкка солиқ солиш объектларининг қийматини шакллантириш ва солиқ ставкаларини белгилашдаги ёндашувлар, шунингдек уларни солиққа тортиш, ҳамда солиқ солишнинг умумий тенденциялари ёритилган. Кўчмас мулкни солиққа тортишда замонавий солиқ тизимларида асос қилиб олинган умумий қоидалар ва мамлакатимизда кўчмас мулкка солиқ солиш билан боғлиқ муаммолар ўрганилган. Шунингдек, халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда солиқ базасини аниқлаш усуллари таклиф этилган, ҳамда солиқ ставкаларини қўллаш ва адолатлилиқ тамойилини амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** кўчмас мулкка солиқ солиш, солиқ солиш объектларини баҳолаш, кўчмас мулкка солиқ солиш тизимлари, кўчмас мулкнинг бозор нархини аниқлаш бўйича ёндашувлар, солиқ ставкалари, солиқ тушумлари.

**1. Кириш.**

Кўчмас мулкка солиқ солиш ҳар қандай давлат солиқ тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Кўпгина ривожланган давлатлар амалиётида кўчмас мулк солиғи ушбу ҳудуд аҳолисининг кўпгина муаммоларини ҳал қилишга имкон берувчи маҳаллий бюджет даромадларининг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилади. Солиққа тортишнинг ушбу турининг мавжудлиги ва ривожланиши кўчмас мулк бозори тараққиётининг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда эса мулк солиғи солиқ тизимининг асосий элементи ҳисоблансада, унинг маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли унчалик катта эмас (Tulakov, Ismoilov, 2020). Ўзбекистонда маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг маъмуриятчилиги, солиқ солиш механизмларининг самарасизлиги оқибатида уларни йиғилувчанлик даражаси етарли эмаслиги, шунингдек, кўчмас мулк ва ер участкаларини тўлиқ ҳисобга олиш ҳамда қийматини объектив аниқлашнинг мавжуд эмаслиги мол-мулк ва ерларни солиққа тортиш тартибини ўзгартириш бугунги кунда солиқ тизимининг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда (Фармон, 2018).

Мамлакатимиз Фуқаролик кодексининг 83-моддасига мувофиқ кўчмас мулкка қуйидагича таъриф берилган. Кўчмас мулк деганда бир жойдан бошқа жойга унинг яхлитлиги ва мақсадли вазифасига зарар етказмасдан олиб ўтиб бўлмайдиган мол-мулк тушунилади. Унинг хусусиятларидан бири кўчмас мулкнинг албатта ер билан боғлиқлиги ҳисобланади: у ер юзасида (бино ва иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар) ёки унинг қаърида (фойдали қазилмалар, сув ресурслари ва ҳоказо) жойлашади. Ер участкаларининг ўзи ҳам кўчмас мулк. Фуқаролик кодексининг 85-моддасига мувофиқ бутун корхона мулкӣ комплекс сифатида кўчмас мулк ҳисобланади.

Ўзбекистонда кадастр қийматига ҳеч қандай меъёрий ҳужжатда таъриф берилмаган. Россия қонунчилигига асосан, кадастр қиймати - бу кўчмас мулк объектининг қийматини қонун ҳужжатларига мувофиқ маълум бир санада тузилган, давлат реестрида (кадастрда) қайд этилган ҳамда солиқ солиш мақсадларида фойдаланиладиган баҳолаш натижасидир. Бундай баҳолаш одатда оммавий миқёсда амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда кадастр ва ер ҳисобини юритиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари эскирганлиги, ҳисоб-китоб бўлмаганлиги сабабли, 340 мингта объектнинг кадастр қиймати белгиланмаган. Бир миллиондан ортиқ уй-жойнинг кадастр ҳужжати йўқ. Хусусан, минглаб гектар ерлар талон-торож бўлиб кетган. Демак, соҳадаги муаммоларни бартараф этиш учун мол-мулк ва ер ҳисобини аниқ юритиш, бу борада адолатни таъминлаш зарур.

## **2. Адабиётлар шарҳи.**

Кўчмас мулк солиғини қўллаш муаммолари кўплаб хорижий олимлар томонидан ўрганилган. Иқтисодчи олимлар кўчмас мулкка солиқ солишни давлат даромадининг муҳим манбаларидан бири сифатида асослаб берганлар, ушбу солиқнинг концептуал асосларини яратганлар, шу билан бирга кўчмас мулкка солиқларни белгилашда ҳисобга олиниши лозим бўлган баъзи жиҳатларни таъкидлаганлар. Уларнинг тадқиқотларида маҳаллий миқёсда кўчмас мулк солиқлари ўрнатилганлиги сабабли эмпирик йўналишлар аниқланган ва асосланган. Шунингдек, бу каби илмий ишларда халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда кўчмас мулкка солиқ солиш, имтиёзларнинг қўлланилиши, солиқ механизмини такомиллаштириш, кўчмас мулкка солиқ солиш тизимини ислоҳ қилиш зарурати масалалари ўз аксини топган.

Бугунги кунда мамлакатимизда кўчмас мулкка солиқ солиш тизимини ислоҳ қилиш жараёнида, кўчмас мулкка солиқ солиш амалиётини муваффақиятли қўллаётган хорижий давлатлар жуда тажрибаси муҳимдир.

Хорижий давлатларда солиқ солиш объектларининг қийматини шакллантиришнинг иккита асосий тизими мавжуд:

- биринчи, давлат ҳокимияти турли тармоқларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган қатъий қиймат;
- иккинчи, кўчмас мулкни оммавий баҳолашда аниқланган қиймат (кадастр қиймати) (Лукова ва Букина, 2017).

Дунё мамлакатларида кўчмас мулк солиғини шакллантириш ва қўллаш унинг тўловчилари доирасини белгилашда мавжуд бўлган иккита ёндашувдан бири асосида амалга оширилади. Кўчмас мулк эгасига солиқ мажбуриятини бериш - энг кенг тарқалган вариант. Баъзида ижарачилар ва кўчмас мулкдан фойдаланувчилар солиқ тўловчилари сифатида иштирок этишади. Масалан, Францияда иккита солиқ мавжуд: бири - кўчмас мулкка (эгаси солиқ тўловчи), иккинчиси - кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун (солиқ тўловчи - эгаси ёки ижарачи) (Григореева, 2017).

Кўплаб хорижий мамлакатларда қўлланиладиган бир қатор умумий қоидалар мавжудлигига қарамай, уларнинг ҳар бирида кўчмас мулкни баҳолаш амалиёти ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Кўчмас мулкнинг бозор нарҳини аниқлаш учта ёндашувга асосланади: даромадли, харажатли ва қиёсий.

Даромадли ёндашув. Ушбу ёндашув бошқалардан қуйидаги усуллари билан ажралиб туради: капиталлаштириш усули ва пул оқимларини дисконтлаш усули (кўчмас мулк қийматини баҳолашда йиллик ижаралар чегирилади). Бундай ёндашув Буюк Британияда, Францияда турли хил ўзгаришларда қўлланилади.

Харажатли ёндашув. Кўчмас мулк қийматини аниқлашда кўмаклашувчи ушбу ёндашув, солиқ солиш мақсадида, қурилиш қиймати жисмоний эскиришни ҳисобга олган ҳолда ишлатилади (Грибовский ва бошқалар, 2010). Бироқ бу усулнинг камчиликларидан бири, ернинг тикланмайдиган ресурс эканлиги ва қурилиш харажатлари фақат ушбу ер участкасини "яхшилаш" учун ҳисоблаб чиқилиши мумкин эканлигидадир.

Қиёсий (бозор) ёндашув. Бу ёндашувда доирасида битимлар (сотиш) усули энг мос келади. Бундай ҳолда, кўчмас мулкнинг қиймати бозорда ўхшаш кўчмас мулк билан тузилган битимлар нарҳидан келиб чиқиб белгиланади. Асосан, бу усул АҚШ ва Японияда қўлланилади (Батура, 2014).

Мамлакатимизда ҳозирги пайтда кўчмас мулк бозорида битимлар тўғрисида ягона давлат маълумот манбаи мавжуд эмас. Ҳеч кимга сир эмаски, кўчмас мулкни сотиш шартномасини тузишда солиққа тортишни минималлаштириш мақсадида унинг ҳақиқий қиймати фақат битим иштирокчиларига маълум бўлади. Шундай қилиб, ушбу усулни амалга ошириш учун доимий статистик кузатув ва савдо операцияларининг нарҳлари белгиланиши талаб этилади.

Яна бир ўзига хос усул - бу харажатсиз усул. Бундай ҳолда, кўчмас мулкнинг қиймати унинг физик хусусиятлари билан белгиланади. Ушбу усул мамлакатимизда жисмоний шахслар мулкнинг инвентаризация қийматини аниқлаш усулига яқинроқдир, чунки инвентаризация қиймати бино қурилаётган материални, қурилиш муддатини ва бошқаларни ҳисобга олади.

### **3. Тадқиқот методологияси.**

Хорижий давлатларда кўчмас мулкни баҳолашнинг турли усуллари муваффақиятли қўлланилмоқда, ammo энг адолатли усуллар бу харажатли ва қиёсий ёндошувлардир. Етарли миқдордаги маълумотлар мавжуд бўлганда бозорни таққослаш усули бизга харажатлар сметасининг яхши ва, энг муҳими, осонликча тушунарли натижаларини олиш имконини беради. Харажатлар усули, ўз навбатида, бозорни таққослаш усули тўғрисидаги маълумотларни тўғрилашга имкон беради.

### **4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Кўчмас мулкка солиқ солиш бўйича солиқ назариясида иккита асосий ёндашув мавжуд (Дуакова ва бошқалар, 2013):

- 1) шедурал тизим (турли хил объектларга ҳар хил солиқ солинади);
- 2) глобал тизим (турли объектларга нисбатан ягона солиқ солинади).

Ривожланган давлатлар бир қатор омилларга асосан кўчмас мулкка глобал тизим асосида солиқ солишни маъқул кўришади. Бу солиқлар сонини ва уларни бошқариш харажатларини камайтириш орқали солиқ тизимини соддалаштиради, шу билан ўхшаш объектлар учун ягона солиқ мажбуриятлари орқали катта адолатга эришади ва солиқларни тўлашдан бўйин товлашни рағбатлантиради.

Мамлакатимизда кўчмас мулк объектларини солиққа тортишда муаммолар мавжуд бўлиб, уларни қуйидаги вариантлар асосида ечимларини келтириб ўтиш мумкин. Шундай қилиб, биринчи вариантга кўра, асос сифатида ер ва кўчмас мулкнинг ягона мажмуасини олиш мумкин, иккинчи вариант ер ва биноларга солиқни алоҳида ҳисоблашни, учинчидан - хусусий ва тижорий кўчмас мулкни ажратишни ўз ичига олади.

Энг мақбул вариант кўчмас мулкка солиқ солишда солиқ назариясидаги глобал тизимни қўллаш орқали - юридик ва жисмоний шахсга ажратмасдан ер ва кўчмас мулкнинг ягона комплексига солиқ солиш. Ривожланган хорижий давлатларнинг солиқ тизими ер ва мол-мулкни биргаликда кўчмас мулк асосида солиққа тортиш билан тавсифланар экан, унинг ижобий аҳамияти солиқларни ҳисоблаш ва уни ундиришни соддалаштиришда, шунингдек ушбу ҳудудда жойлашган объектларни янада тизимли равишда ҳисобга олишда намоён бўлади. Кўчмас мулкка солиқ солиш иш ҳажмини камайтиради ва баҳолаш харажатларини пасайтиради, кадастр баҳолаш тизимини янада кўпроқ ахборот билан таъминлайди. Чунки, солиқ солишда ер ва бинолар ягона солиқ мажбуриятига эга объектлар ҳисобланади.

Дунёда кўчмас мулкни баҳолаш солиқ базасини аниқлашнинг турли усуллари асосланган:

- улардан биринчиси, йиллик ижарага асосланади (Франция, Австралиянинг баъзи штатлари, Белгия);
- иккинчиси, мулкнинг бозор қиймати ҳамда тахминий қиймати билан ҳам белгиланадиган мулкнинг капитал қийматининг асосини таъминлайди (Дания, Япония, АҚШ, Австралия, Швейцария);
- учинчиси, баъзида солиқ базаси кўчмас мулк (Швеция) бозори (ижара) қийматининг фақат бир қисмини ташкил этади (Лапшина, 2018).

Умуман олганда солиқ базасини аниқлашда қуйидаги ёндашувлар мавжуд:

- ер участкалари ёки ер участкаларига нисбатан бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда солиқ солишни такомиллаштириш;
- йиллик ижара ставкаси бўйича солиқ базасини ҳисоблаш;
- маълум бир ҳудудга тегишли хусусиятларга асосланиб қиймат даражаси билан тавсифланадиган солиқ ставкасини белгилаш орқали қийматни аниқлашни ўз ичига оладиган ҳудудий баҳолаш тизими;
- статистик моделлардан фойдаланган ҳолда солиқ базасини ҳисоблаш;
- кўчмас мулкни физик кўрсаткичлари асосида солиққа тортиш (Логинова, 2017).

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиланадиган солиқ солиш объектларининг кадастр қиймати солиқ солинадиган база эканлиги жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғидан кўчмас мулк солиғига ўтиш учун илк қадам саналади. Лекин, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳамон юридик шахслар мол-мулкнинг ўртача йиллик қиймати ва ўртача йиллик қолдиқ қийматидан ҳисобланмоқда.

Солиқ ставкаларини белгилаш бевосита қонунчилик ва иқтисодий амалиётга боғлиқ. Кўчмас мулкни солиққа тортишнинг хорижий амалиётида солиқ ставкалари икки хил бўлиши мумкин: қатий ёки ўзгарувчан. Қатий ставкалар давлат органлари томонидан киритилади ва солиқ солинадиган қийматнинг маълум фоизини ташкил этади. Ўзгарувчан ставкалар турли омилларга боғлиқ: кўчмас мулкнинг нархи (Филиппин), фойдаланиш муддати (Швеция), объект жойлашган жой (Буюк Британия) (Богачев, 2017).

Ўзбекистонда мол-мулк солиғи жорий қилингандан ҳозирги кунгача бўлган даврда солиқ ставкаларининг ўзгариш динамикасида адолатлилик тамойилининг амал қилишини таҳлил қиламиз.

### 1-жадвал

#### Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаларининг ўзгариш динамикаси<sup>1</sup>

Солиқ солиш объектлари	Солиқ ставкалари, фоизларда ва сўмда								
	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
1. Турар жойлар, квартиралар, дала ҳовли ва боғ уйчалари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналарва иншоотлар, уларнинг қийматидан келиб чиқиб (фоиз)да:									
а) 1998 йилда қайта баҳоланган	0,4	0,5			0,5				
б) 1998 йилда қайта баҳоланмаган	5,8	7							
2. Мол-мулкни баҳоловчи органлар томонидан баҳоланмаган объектлар учун шартли баҳо (минг сўмда):									
а) Тошкент шаҳри ва вилоятлар маркази учун	1500	1800			2100	1680	0	18480	
б) бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойлари учун	700	800			920	7300	8030		

2002-2006 йиллар давомида жисмоний шахсларнинг 1998 йилда қайта баҳоланган мол-мулки учун 0,5%, 1998 йилда қайта баҳоланмаган мол-мулки учун 7% ставкада мол-мулк солиғи белгиланган.

2007-2010 йиллар давомида жисмоний шахсларнинг барча мол-мулклари учун фақат 0,5% ставкада мол-мулк солиғи белгиланган бўлса, 2011 йилдан бошлаб ушбу солиқ ставкаси адолатлилик тамойили асосида мол-мулкнинг умумий майдонидан келиб чиқиб табақалаштирилди. 2009 йилдан жисмоний шахслар томонидан турар жой фонди объектлари нотураржой фонд тоифасига ўтказилганда ёки улар томонидан нотураржой фонд объектлари (бинолар, бинодаги хоналар) мулк сифатида харид қилинганди, 2013 йилдан эса жисмоний шахслар томонидан солиқ солинадиган объектлардан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилганда ёхуд уларни юридик шахсларга ёки яққа тартибдаги тадбиркорларга ижарага берилганда жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланадиган бўлди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг солиқ ставкалари тўғрисидаги қарорлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.



**Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаларининг ўзгариш динамикаси<sup>2</sup>**

Солиқ солиш объектлари	Солиқ ставкалари, фоизларда ва сўмда								
	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
1. Уй-жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари, бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар, қийматидан (фоиз)да:									
200 кв.м гача бўлган	0,7 5	0,9	1,04	1,2	1,3	1,5	1,7	0,2	0,2
2. Шаҳарларда жойлашган умумий майдони қуйидагича бўлган уй-жойлар ва квартиралар қийматидан (фоиз)да:									
а) 200 кв.м дан ошиқ ва 500 кв.м гача бўлган	0,9	1,1	1,25	1,4	1,6	1,8	2,1	0,2 5	0,25
б) 500 кв.м дан ошиқ бўлган	1,1 3	1,3 5	1,55	1,8	2,2	2,5	2,9	0,3 5	0,35
3. Бошқа аҳоли пунктларида жойлашган умумий майдони қуйидагича уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари қийматидан (фоиз)да:									
200 кв.м дан ошиқ бўлган	0,9	1,1	1,25	1,4	1,6	1,8	2,1	0,2 5	0,25
4. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни баҳоловчи органлар томонидан баҳоланмаган мол-мулкларнинг шартли қиймати (минг сўмда):									
а) Тошкент шаҳри ва вилоятлар маркази учун	18480			20328			210 000		
б) бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойлари учун	8030			8833			90 000		

2011 йилдан бошлаб кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган янги қурилган уй-жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мол-мулк шартли қийматининг икки баравари миқдоридан келиб чиқиб ундирила бошланди. 2011-2018 йиллар давомида жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкалари ўрта ҳисобда 1,2 коэффицентга, мол-мулкни баҳоловчи органлар томонидан баҳоланмаган шартли қиймати эса 1,1 коэффицентга индексация қилинди.

Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи 2018 йилгача мол-мулкнинг инвентаризация қийматидан ҳисобланган бўлса, 2018 йилдан бошлаб кўчмас мулкнинг кадастр қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланадиган бўлди. Мол-мулкнинг инвентаризация қийматидан кадастр қийматига ўтиш муносабати билан баҳоловчи органлар томонидан баҳоланмаган мол-мулкларнинг шартли қиймати 10 баробарга оширилди.

Мол-мулкни кадастр қийматидан келиб чиқиб солиққа тортишга ўтилгандан сўнг, солиқ юкининг кескин ўсишига йўл қўймаслик мақсадида 2018 йилда жисмоний шахслар мулкига кадастр қиймати асосида белгиланган солиқ миқдори 2017 йилда ҳисобланган солиқ суммасидан 1,2 баравардан, 2019 йилда жисмоний шахслар мулкига кадастр қиймати асосида белгиланган солиқ суммаси 2018 йилда ҳисобланган солиқ суммасидан 1,3 баравардан, 2020 йилда жисмоний шахслар мулкига кадастр қиймати асосида белгиланган солиқ суммаси 2019 йил учун ҳисобланган солиқ миқдоридан 30 фоиздан кўпга ошмаслиги назарда тутилди.

2018 йилдан бошлаб жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида мол-мулкнинг кадастр қиймати кадастр ҳужжатларидан келиб чиқиб ҳисобланиши, бироқ 42 млн сўмдан кам бўлмаслиги белгилаб қўйилди. Бу эса адолатлилик тамойилига зид мезонлардан ҳисобланади. Бунда солиқ тўловчи манфаатларини четлаб ўтиб, бюджетни маблағ билан тўлдириш мақсад қилинган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг солиқ ставкалари тўғрисидаги қарорлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Шунингдек, 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликларига халқ депутатлари тегишли Кенгашларига минтақанинг ва фаолиятни амалга ошириш жойининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жисмоний шахсларнинг мол-мулкдан олинадиган солиқ ва жисмоний шахсларнинг ер солиғи бўйича белгиланган ставкаларга нисбатан 0,7 дан 1,3 гача пасайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар ўрнатиш ҳуқуқи берилган бўлсада, амалда қўлланилмай қоғозда қолиб кетмоқда.

### 3-жадвал

#### Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаларининг ўзгариш динамикаси<sup>3</sup>

Тўловчилар	Солиқ ставкалари, фоизларда					
	2002 й.	2003 й.	2004 - 2013 йй.	2014 - 2015 йй.	2016-2018 йй.	2019 й.
Юридик шахслар	2	3	3,5	4	5	2

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаларининг йиллар давомидаги динамикасига назар ташлайдиган бўлсак, доимий тарзда солиқ ставкаларининг ортиб бориши орқали солиқ юкининг ортишига гувоҳ бўламиз.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкасининг ўқорилиги солиқ тўловчиларнинг мулк солиғидан “қонуний” қочишга шароит яратади. Бу ўз навбатида, солиқ солишнинг адолатлилиқ тамойили бузилишига олиб келмоқда. Мисол учун, юридик шахс томонидан 2 млрд сўмлик қурилишлар амалга оширилиши натижасида ўз эҳтиёжи учун турар жой объекти пайдо бўлди. Ундан ҳисобланадиган солиқ суммаси 40 млн сўмни ташкил қилади. Агар юридик шахс ушбу кўчмас мулкни жисмоний шахсга 2 млрд сўмга сотиб юборса, солиқ солиш базаси юзага келмайди. Орадан бир ой ўтиб жисмоний шахс мазкур кўчмас мулкни бошқа жисмоний шахсга 200 млн сўмга, кейинчалик сотиб олган жисмоний шахс эса бошқа юридик шахсга 100 млн сўмга сотиб юборади. Бунда, мол-мулкни сотиб олган юридик шахс мол-мулк солиғини ўртача йиллик қолдиқ қийматдан (100 млн сўм) 2 млн сўм мол-мулк солиғи тўлайди ва қонуний йўл билан 38 млн сўм солиқни тўламаслик имкониятига эга бўлади (Лойиҳа ва хулоса, 2020).

Баъзи мамлакатларда кўчмас мулкни кадастр баҳосидан фойдаланиш кўп йиллик анъанага эга эканлигини ва уни қўллаш самарадорлиги амалда исботланганлигини инобатга олиб, мамлакатимизда кўчмас мулкни баҳолашда баъзи хорижий ёндашувлар ва усуллардан фойдаланиш мумкин. Шундай қилиб, биринчидан, кўчмас мулк бозори нархларини доимий равишда мониторинг қилиш ва табақалаштирилган манбалардан олинган маълумотларнинг янгиланиши талаб қилинади, бу эса оммавий баҳолашни ўтказишда иқтисодий кўрсаткичларга эришишга имкон беради. Иккинчидан, баҳолаш натижаларининг сифати ва аниқлигини ошириш учун маҳаллий ҳокимиятларда кўчмас мулкни баҳолаш натижалари учун жавобгар бўлган малакали баҳоловчилар талаб қилинади. Шунингдек, баҳолаш ишлари босқичида ҳам, унинг охирида ҳам солиқ тўловчиларни баҳолаш натижалари тўғрисида очиқ ва ошкора хабардор қилиш керак. Бу кўчмас мулкни кадастр баҳолаш натижалари бўйича баҳслашиш билан боғлиқ даъволар сонини камайтиради.

Кўчмас мулкни солиққа тортишнинг халқаро амалиётини таҳлил қилиш, умуман мамлакатимизда мол-мулк солиғи тизимини модернизация қилиш ривожланган давлатлар солиқ тизиминининг асосий йўналишларига мос келади. Шу билан бирга, ушбу модернизация соҳадаги хорижий ва маҳаллий тажрибани ўрганиш бўйича қўшимча чора тадбирлар ишлаб чиқишни талаб этади. Кадастр қиймати бўйича кўчмас мулкни оммавий баҳолаш ва солиққа тортиш усулларини қўллаган ҳолда, аксарият

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг солиқ ставкалари тўғрисидаги қарорлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

хорижий мамлакатларга хос бўлган солиққа тортиш мақсадида кўчмас мулкни баҳолашда бир қатор умумий тенденцияларни аниқлаш мумкин. Хусусан, булар, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- кўчмас мулкни солиққа тортиш мақсадида баҳолаш асосан бозор маълумотларига асосланади;
- амалдаги солиқ солинадиган база кўчмас мулкнинг умумий бозор қийматидан маълум бир қисмини ташкил этади;
- солиқ базасининг қиймати оммавий баҳолаш усуллари билан белгиланади;
- баҳолашда шунга ўхшаш кўчмас мулкнинг маълум бир ҳудудда сотилишини таққослаш усули қўлланилади;
- кўчмас мулкдан фойдаланиш турига қараб турли солиқ ставкалари қўлланилади;
- кўчмас мулкни баҳолаш маҳаллий ҳокимият ёки тегишли баҳоловчи органлар томонидан амалга оширилади.

Кенг қамровли халқаро амалиётда тўпланган тажрибалардан фойдаланиш кўчмас мулкка солиқ солишни ислоҳ қилиш иқтисодий асосланган солиқ тизимини шакллантиришда энг самарали вариантни танлашга имкон беради.

Кўчмас мулкни солиққа тортиш бўйича қонунчилигимизда хорижий давлатлар қонунчиликларига нисбатан бир қатор қоидалар бўйича ҳал қилинмаган масалалар мавжуд. Шундай қилиб, кўчмас мулкни солиққа тортиш бўйича меъёрий ҳужжатларнинг концептуал асосларига ўзгартириш киритиш, мулкнинг кадастр ва бозор қиймати ёки уларнинг ҳуқуқий ҳолати ўртасидаги муносабатни ўрнатиш зарурлигини кўрсатди.

Ўзбекистонда кўчмас мулкка ягона солиқ жорий этилиши билан ечимини кутаётган қуйидаги муаммоларни келтириб ўтамиз:

- 1) Бугунги кунда кўчмас мулк бозорида нархларнинг ҳолати тўғрисида ишончли маълумотларнинг йўқлиги ва бусиз солиқ солиш объектини объектив равишда баҳолаб бўлмаслиги;
- 2) Солиқ соҳасида бундай кенг қамровли ислоҳотларни ўтказишда профессионал мутахассислар - кўчмас мулкни баҳоловчиларининг йўқлиги;
- 3) Давлат кўчмас мулк кадастри реестрида кўчмас мулк тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги;
- 4) Рўйхатга олинмаган солиқ солиш объектларининг кўплиги;
- 5) Давлат органлари ўртасидаги муносабатларнинг ривожланмаганлиги, бу солиқ тўловчилар тўғрисида маълумот алмашишда намоён бўлиши;
- 6) Ҳашаматли ва янги қурилган объектларни рўйхатдан ўтказишдан қочиш;
- 7) Ҳар қандай кўчмас мулкни, шу жумладан баҳолаш ишига тўсқинлик қилганлик учун санкцияларни беришга имкон берадиган қонунчилик базасининг йўқлиги;
- 8) Кўчмас мулкка бўлган талабнинг пасайишидан қўрқиш;
- 9) Солиқ тўловчиларнинг уй-жойларини сақлаш харажатларининг ошиши билан боғлиқ норозилиги;

#### 4-жадвал

#### Хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида Ўзбекистонда кўчмас мулкни солиққа тортиш билан боғлиқ вазиятлар таҳлили<sup>4</sup>.

Муаммолар	Бартараф этиш йўллари ва таклифлар	Натижалар
Кўчмас мулкнинг жорий қиймати тўғрисида маълумотларнинг йўқлиги	- мулкни баҳолаш тизимини ва табақалаштирилган солиқ ставкаларини жорий қилиш; - кўчмас мулкни жойлашган жойига қараб солиққа тортиш; - кўчмас мулкни солиққа тортмайдиган (маълум бир қиймат ёки майдон доирасида) минимумни жорий қилиш; - маҳаллий ҳокимликларнинг солиқ ставкасини ошириш (камайтириш), солиқ	Бюджетни кўчмас мулк солиғидан тушадиган содда ва барқарор тушумлар манбаи билан таъминлаш.

<sup>4</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тайёрланган

Муаммолар	Баргараф этиш йўллари ва таклифлар	Натижалар
	имтиёзлари белгилаш ҳуқуқини кенгайтириш.	
Кўчмас мулк қийматини баҳолаш	- солиқ тўловчилар томонидан кўчмас мулкни мустақил баҳолаш; - назорат қилувчи органлар томонидан кўчмас мулкнинг ҳисобланган қиймати бўйича амалга оширишган ишлар сифатини яхшилаш.	Кўчмас мулк қийматини қайта баҳолаш учун бюджет харажатларини камайтириш.
Кўчмас мулкнинг бозор қиймати асосида солиқни тўлашга ўтиш натижасида солиқ юкининг ошиши	- солиқ солинадиган объектлар рўйхатини кенгайтириш; - солиқ тўловчиларнинг даромад манбаидан солиқни ушлаб қолиш; - солиқ тўлашни кечиктиришни тақдим этиш.	Тўловчиларнинг асосий яшаш жойи бўйича солиқ юкини камайтириш ва кам таъминланган ижтимоий гуруҳларни ҳимоя қилиш.
Кўчмас мулкни умумий майдони асосида солиққа тортишнинг самарасизлиги	- кўчмас мулкни қайта баҳолаш муддатини узайтириш; - кўчмас мулкни кадастр қиймати асосида гуруҳлаш; - кўчмас мулкни умумий майдонига эмас, балки табақалаштирилган кадастр қийматига нисбатан солиқ ставкаларини белгилаш.	Солиқни янада тенг тақсимлаш орқали кўчмас мулкни солиққа тортишнинг салбий таъсирини камайтириш.
Кўчмас мулкка солинадиган солиқ базаси ва ставкаларини унификация қилиш	- юридик шахсларнинг кўчмас мулкни солиққа тортишда кадастр қийматидан ҳисоблаш тартибини киритиш; - юридик ва жисмоний шахслар учун бир хил ставкаларни жорий этиш; - қурилиш объектларнинг қиймати ва майдонига қараб қурилиш тугаши муддатини узайтириш; - қурилиши тугалланмаган объектларнинг умумий қийматига қараб табақалаштирилган солиқ ставкаларини жорий қилиш.	Солиқни базаси ва ставкаларини унификация қилиш орқали солиқдан қочишни олдини олиш.
Юридик шахслар кўчмас мулкнинг бозор қийматини аниқлаш методикасининг йўқлиги	- илғор хорижий тажрибани ҳисобга олиш; - оммавий баҳолаш ўтказиш; - юридик шахсларга ҳам жисмоний шахсларнинг турар жой ва нотурар объектлари кадастр қийматини ҳисоблаш тартибини қўллаш.	Хорижий тажрибалар асосида кўчмас мулкнинг бозор қийматини аниқлаш механизмини жорий қилиш.

Оммавий баҳолаш тамойилларига асосланган мавжуд методологиядан фойдаланиш кўплаб солиқ тўловчиларда кадастр қийматининг аҳамиятини шубҳа остига қўйишга олиб келади. Мулк эгалари баҳолаш натижаларидан норози ҳолда

судга ёки махсус тузилган комиссияларда шикоят қила бошлайдилар. Бу солиқ тўловчилар учун ҳам, бюджет тизими учун ҳам қўшимча ноқулайликлар ва харажатларга олиб келади, бу эса жамиятда кўчмас мулкка солиқ солишни ислоҳ қилиш тўғрисида салбий тушунчани келтириб чиқаради.

Кўчмас мулкдан солиқ ундиришнинг яна бир муҳим муаммоси унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти. Кўчмас мулк солиғи солиқ тўловчилардан ундириладиган солиқларнинг қуйи тизимига киритилган бўлиб, бошқа солиқ турларидан фарқли ўлароқ, ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра у ер ва мол-мулк эгалари ва ундан фойдаланувчи солиқ тўловчилар молиявий фаолиятининг натижалари билан боғлиқ эмас. Барча солиқларни солиқ тўловчилар даромадидан тўлайди, шу жумладан кўчмас мулк солиғини ҳам. Шу билан бирга, агар мулк солиқ тўловчига даромад келтирмаса, унда солиқ фойда (даромад) солиғи тўлангандан кейинги даромадлардан тўланади ва шу билан солиқ тўловчи реал даромадлари миқдорини камайтиради. Шундай қилиб, даромаднинг ҳар хил даражаси билан, кўчмас мулк солиғини бевосита тўлаш солиқ тўловчининг фаровонлиги ва унинг солиқ юки даражасига таъсир қилади. Бунда аҳолининг имтиёзли тоифаларидан ташқари кўчмас мулкни солиққа тортишда солиқ тўловчилар даромадлари даражасини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлайди.

## **5. Хулоса ва таклифлар.**

Мамлакатимиз солиқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар замирида бир қатор комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, солиқ солиш мақсадида ер ва кўчмас мулкнинг кадастр ҳисоби ва қийматини баҳолаш билан тўлиқ қамраб олиш чора-тадбирларини амалга ошириш учун кадастр ва солиқ органлари маълумотлар базаларини интеграциялаштириш баробарида 2021 йилдан мол-мулк ва ер солиғи ўрнига кўчмас мулк солиғини жорий қилиш белгилаб қўйилди (Қарор, 2019).

Шунингдек, ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимида янги босқич бошланди, соҳани илғор тажриба асосида ислоҳ қилиш, янгича бошқарув тизимини жорий этиш, ернинг ҳисобини тўлиқ юритиш ва рақамлаштириш бўйича комплекс вазибалар белгиланди. 2021 йилдан бошлаб [davreestr.uz](http://davreestr.uz) – кўчмас мулк объектлари давлат реестри, [ydk.uz](http://ydk.uz) – Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ Қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги порталлари қаторида, Кадастр агентлигининг Миллий геоахборот тизимига интеграция қилинадиган онлайн геопортал очилиши солиқ базаси кенгайиши орқали бюджетга кўпроқ маблағлар тушушига олиб келади (Фармон, 2020).

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ва солиқ тўловчиларининг молиявий аҳволини ҳисобга олган ҳолда, мол-мулкка солинадиган солиқ миқдорининг хорижий давлатлар билан таққосланиши солиқ тўловчиларга жиддий таъсир кўрсатиши ва солиқларни тўлаш бўйича қарз мажбуриятларининг ўсишига, ҳамда аҳоли турмуш сифатининг пасайишига олиб келмаслиги учун кўчмас мулкни солиққа тортишда ижтимоий адолатни таъминлаш муҳимдир.

Кўчмас мулкни солиққа тортиш соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсади адолатлилик тамойилини амалга ошириш зарурлигидан келиб чиқиб, ҳашаматли кўчмас мулк эгалари учун солиқ ставкаларини юқори даражада белгилаш зарур. Оддий уй-жой мулкдорлари солиқ юкининг сезиларли даражада ошишини сезмасликлари керак. Шу сабабли, солиқ ставкаларини фарқлаш мезонлари орасида мулкдаги кўчмас мулк объектлари сонининг мезонини тақдим этиш таклиф этилади. Ушбу мезон тартибга солиш функциясини қисман бажаришга имкон беради. Шундай қилиб, юқори солиқ ставкасида солиқ тўловчи яшамайдиган (нотурар) мулк объектларига солиқ солиш керак. Шахсий яшаш ёки фойдаланиш учун мўлжалланган объектларга маҳаллий ҳудудлар учун ўрнатилган ставкани қўллаш тавсия этилади. Бундай ҳолда яшаш жойи солиқ тўловчининг рўйхатдан ўтган жойида аниқланиши мумкин ва махсус ставкани қўллаш декларатив характерга эга бўлиши керак.

Келгусида мобил технологияларни ривожлантириш солиқ органларига солиқ тўловчининг кўчмас мулкдаги барча объектларни бошқариш, мулкка эгалик қилишнинг ҳақиқий даражаси ва тўланган солиқлар ўртасидаги қарама-қаршиликни бартараф этиш учун имконият яратиши керак. Бу, биринчи навбатда, кўчмас мулк солиғи бўйича ҳокимиятнинг ҳудудий ваколатларини акс эттириши ва солиқ маъмурчилигидаги солиқларни ундириш харажатларни қисқартириш билан боғлиқ.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кўчмас мулкка солиқ солишнинг модернизация қилиниши, мол-мулкни солиққа тортишнинг хорижий амалиётига асосланади, аммо у ривожланган давлатларда ва мамлакатимизда тўпланган солиқ солиш тажрибаларини етарлича ҳисобга олмайди. Кўчмас мулкни баҳолаш ва унга солиқ солиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар адолатлилик тамойилини амалга ошириш ва солиқ тушумларининг ўсишига ёрдам беради.

Натижада шаклланган жаҳон тенденциялари, шунингдек, ягона ахборот маконининг етарлича ривожланган тизими Ўзбекистонда кўчмас мулкка ягона солиқни жорий қилиш вазифасини соддалаштиради ва уни қисқа вақт ичида миллий шароитларга мослаштиришга имкон беради.

#### **Адабиётлар:**

Tulakov U.T., Ismoilov Sh.Sh. (2020) Bases of real estate taxation in Uzbekistan. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(6), 2109–2114. <https://doi.org/10.37200/IJPR/V24I6/PR260200>

Фармон (2018) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги 5468-сон.

Лукова Л.Н., Букина И.С. (2017) Налоговые системы зарубежных стран: учебник для бакалавриата и магистратуры. Юрайт. с. 428.

Григорьева Л.Г. (2017) Налогообложение объектов недвижимости в России и за рубежом // М.: «Российская газета». №. 11, – с. 80.

Грибовский С.В., Лейфер Л.А., Нейман Е.И. (2010) О концепции оценки недвижимости для целей налогообложения // Имущественные отношения в Российской Федерации. №. 5.

Батура О.В., Шавров С.А., Косенкова Ю.Ю. (2014) Зарубежный опыт налогообложения недвижимости // Экономика и экономические науки. №. 4.

Dyakova E.V., Basangova D.V., Ermochenko O.N., & et al. (2013) The introduction of real estate tax: problems and prospects. Volgograd: Volgograd State University Publ. 135 p.

Лапшина А.С. (2018) Совершенствование налогообложения имущества физических лиц на основе государственной кадастровой оценки объектов жилой недвижимости. Ростов-на-Дону, с. 169.

Логинова Т.А. (2017) Концептуальные подходы к налогообложению недвижимого имущества и их реализация в налоговых системах стран ОЭСР и Российской Федерации, *Налоги и налогообложение*, №. 9, – сс. 1–14.

Богачев С.В. (2017) Налог на недвижимость: опыт зарубежных стран // *Налоги и сборы*, №. 1 – сс. 45–50.

Лойиҳа ва хулоса (2020) Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ва 2021 йил учун Бюджетнома бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси

Қарор (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4389-сон.

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6061-сон.

# Молия ва Банк иши

(электрон илмий журнал)

---

# Finance and Banking

(electronic scientific journal)

Ўзбекистон, 100000, Тошкент, Мирзо Улугбек тумани,  
Мовароуннахр кўчаси, 16